

Мусулмон одамнинг ҳаром нарса тановул қилинаётган дастурхонда ўтириши мутлақо мумкин эмас. Чунки у ерда ўтиришнинг ўзи, агар ўзи тановул қилмаса ҳам, ўша ҳаром ишга розилик аломати ҳисобланади. Ёмон ишга рози бўлишнинг ўзи ёмондир. Мусулмон кишининг ундай жойда рози бўлиб ўтириши эмас, унга қарши бўлиши матлубдир.

Юзтубан ётиб олиб, таом тановул қилиш эса ўтакетган беодобликдир. Шу билан бирга, бу соғлик учун ҳам зарарлидир.

أَمْ أَقْبِرُ شِلْلًا نَعَىٰ نَمَلٍ سَوَّهَ لَيْعًا لِّلَّهِ لِيَصَّيَّبَ نَلًّا نَّأْتِيهِ نَزْرًا سَنَأْنَعُ
ثَبَّحَ وَأَرْشَأَ كَأَذُّهُ ظَفَلٌ وَمَلْسُومٌ يَذْمُرُ لَهَا وَرَبُّهَا كَأَذُّ لَيْقَافٍ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тик туриб ичишдан қайтардилар. Шунда:

«Ейиш-чи?» дейилди.

«У яна ҳам оғирроқ», дедилар».

Термизий ва Муслим ривоят қилганлар. Муслимнинг лафзида:

«У яна ҳам ёмонроқ ёки чиркинроқ», дейилган.

Демак, тик туриб таом ёки ичимлик тановул қилиш жоиз эмас. Чунки тик турганда одам тўлиқ роҳат ҳолида бўлмайди. Шунинг учун егани ва ичгани ҳам яхшироқ фойда бермайди. Бунинг устига, тик туриб еб-ичганда овқатлар тўкилиши, исроф бўлиши ҳам бор.

Агар мутахассислар бу ҳолатни яхшилаб ўргансалар, албатта, бошқа зарарлари ҳам чиқиши турган гап. Умуман, Ислом маданиятида ўзини билган одам тик туриб на таом ейди, на ичимлик тановул қилади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.